Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 30-aprel, payshanba, № 53 (3558)

Бизнинг олий мақсадимиз — мустақиллик эди. Бунга эришдик. Мустақилликнинг олий мақсади — ўзбек халқининг иззатини жойига қўйиш.

Ислом КАРИМОВ

ДАВРА СУҲБАТИ



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кунига бағишлаб “Меҳнат муҳофазаси соҳасида профилактика маданиятини биргаликда юқори даражага кўтарамиз” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекцияси, Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефт-газ ва металлургия саноати масалалари комплекси таркибига кирувчи корхоналар, ҳамкор ташкилотлар, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган халқаро ташкилотлар ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ СОҲАСИДА ПРОФИЛАКТИКА МАДАНИЯТИ

Тадбир аввалида меҳнат муҳофазасида муҳим омил бўлган махсус кийим-бош ва индивидуал ҳимоя воситалари кўргазмаси ташкил этилди. Айниқса, Олмалиқ кон-металлургия коминати, “Ўзметкомбинат” АЖ, “Ўзбекистон ҳаво йўллари”, “Максам-Чирчиқ” қўшма корхонаси каби ташкилотларнинг меҳнат муҳофазасига оид стендлари, техника ва технологиялар, махсус кийим-кечак ва санитария-гигиена воситалари намойиши кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева давра суҳбатини очар экан, мамлакатимизда ходимларнинг меҳнати муҳофазаси, уларга хавфсиз, қулай ва муносиб меҳнат шароитлари яратиш масалаларига эътибор йил сайин кучайиб бораётганини таъкидлади. Шунингдек, меҳнат муҳофазаси маданиятини ривожлантириш, ходимларга нормал меҳнат шароитларини яратиш, корхона ва ташкилотлардаги меҳнат муҳофазаси ҳолатини яхшилаш, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олиш борасида ижтимоий шерикликни янада ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк давридан бошлаб барча соҳаларда техник ва технологик янгиланиш, модернизация жараёни бирламчи аҳамият касб этиб, меҳнатни муҳофаза қилиш маданиятини ривожлантириш масалалари илгари сурилаётгани бежиз эмас. Шунингдек, режали равишда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши фаолиятининг устувор йўналишлари қаторидан ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш ва бунда, албатта, асосий эътиборни профилактика ишларига қаратиш масаласи алоҳида ўрин тутади. Айнан шунга кўра, меҳнат муҳофазасининг сифати ва самарадорлигини ошириш борасида тизимли фаолият юритилаётир. Хусусан, Федерация Кенгаши ҳамда ҳудудий ва тармоқ касаба уюшмаларида Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати тизими ишга туширилди. Меҳнатда жароҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олиш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ва иш берувчилар масъулиятини янада ошириш масалалари фаолиятнинг асосий мезони этиб белгиланган эса, алоҳида эътирофга лойиқ.

Натижада, меҳнат жамоаларида ходимларга муносиб меҳнат шароити яратилиши баробарида, санитария-гигиена талабларига риоя этиш, ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касб касалликларига чалинишнинг олдини олиш бўйича муайян самараларга эришилаётир. Жамоа шартномалари орқали ижтимоий-маиший объектларнинг узлуксиз фаолияти йўлга қўйилиб, ходимлар тегишли тартибда махсус кийим-бош, шахсий ҳимоя воситалари, профилактика озиқ-овқатлари билан таъминланмоқда.

(Давоми 2-саҳифада).

ТАРИХИЙ ХОТИРАСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ

Аждодлар хотираси, ўтган кунлар сабоғи инсонни тўғри йўлга бошлайди. Бугунги тинчлик-осойишталик, эркин ва фаровон ҳаётга шукрона келтириш, унинг қадрига етиш хайру баракани янада зиёда қилади.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган “Қатағон қурбонлари хотираси” музейида бўлган киши ана шу ҳақиқатларни англаб етади, қалбига жо қилади.

ТАРИХ, ХУЛОСА, ШУКРОНА

“Қатағон қурбонлари хотираси” музейидаги ўйлар

Музей атрофида ҳамиша маъюс бир сукунат ҳукмрон. Бу жойда ном-нишонсиз отиб ташланган ота-боболаримизнинг безовта руҳлари бугунги авлодлардан рози бўлиб, ором топгандай гўё. Хиёбон узра парвоз қилаётган оппоқ кабутарлар бу эзгу ишларни, юртимиздаги тинчлик-осойишталикни алқаётгандек туюлади.

“Қатағон қурбонлари хотираси” музейини кўриш, тўғриси, осон эмас. Чунки бу ерда инсоният тарихидаги энг даҳшатли даврлардан бири — собиқ совет тузумининг мудҳиш “башараси”, қатлиомлари акс этган. Истибдод зулмидан умри хазон бўлган улуғ арбоблар, маърифатпарварлар, зиёлилар, оддий деҳқонлар, ишчи ва ҳунармандлар, бир сўз билан айтганда, қатағон жабрини чеккан ватандошларимизнинг азоб-уқубатлари ўз ифодасини топган.

Экспонатларнинг мазмун-моҳияти ва воқеалар даврийлигига қараб музей 10 бўлим, 3 залга ажратилган. Биринчи залда Ўрта Осиёнинг чор Россияси томонидан босиб олиниши ва халқимизнинг бунга қарши кураши, миллий уйғониш ҳаракатлари, “коллективлаштириш” ва “қулоқлаштириш” сиёсати, ўтган асрнинг 30-йиллари бошидаги қатағонларга оид экспонатлар жамланган. “Газ 11-73” русумли қора автомобил — улардан бири. Ўша даврда ноҳақ туҳматга учраган кишилар ушбу машинада олиб кетилган ва уларнинг ҳеч бири уйига қайтмаган. Шу боис у халқ орасида “қора қузғун” деб ном олган. Музейдаги “қора қузғун”нинг ғилдираклари рамзий маънода қизилга бўялган. Бу мустабид сиёсат одамларни эзиб-янчиб, мамлакатни қонга ботирганини ифодалайди.

Иккинчи залда 1937-1938 ҳамда 1940-1950 йиллардаги сиёсий қатағонлар миқёси, 80-йиллардаги “пахта иши” оқибатларини акс эттирувчи материаллар қўйилган.

Мунаввар қорининг кўзойнаги, Чўлпоннинг қўлёзмалари, Мақсуд Шайхзоданинг ёзув машинкаси ва қатор тарихий ҳужжатлар халқни илм-маърифатга, тараққиётга ундаган мутафаккирлар тазйиққа учрагани, фикр ва сўз эркинлиги чекланганидан далолат беради.



Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир, Саид Аҳрорий, Боту, Убайдулла Хўжаев сингари болаликдан ўқиб-ўрганганимиз, элимиз ардоғидаги инсонларнинг суратларига қараш оғир. Уларнинг кўзларидаги мунг, аламу изтироб юракни эзиб юборади. Бу нигоҳларда истибдод даврининг ноҳақликлари, бошқаларга қарамликнинг таҳқирлари намоён.

Учинчи залда мустақиллик йилларида тарихий адолатни қарор топтириш, халқимизнинг қадр-қимматини жойига қўйиш, миллий қадриятларимиз ва маънавий меросимизни тиклаш, ота-боболаримиз қадамжоларини обод этиш ва номларини абадийлаштириш борасида амалга оширилган эзгу ишлар акс этган.

Бу залга келганда одам ёруғликка чиққандек бўлади, беихтиёр енгил тортади. Халқимиз бу кунларга қандай машаққат ва йўқотишлар эвазига эришганини, мустақиллик ва эркинлик нақадар азиз неъмат эканини ҳис этади.

Музей ўзига хос маърифий-тарбиявий масканга айланган. Қишин-ёзин бу ердан зиёратчилар қадами узилмайди. Хотира ва қадрлаш куни арафасида музей қар қачонгидан гавжум бўлади.

— Бу ерга коллежимизнинг биринчи босқич ўқувчилари билан келдик, — дейди Чирчиқ саноат-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи тарих фани ўқитувчиси Гулистон Избосарова. — Чунки улар ҳозир айнан XX аср тарихини ўрганишмоқда. Музейга саёҳат ёшлар учун жудаям қизиқ ва фойдали бўлди. Ўқувчилар дарсда ўтган мавзуларимизга оид деталларни ўз кўзлари билан кўриб, ўша давр руҳини, шароитини ҳис қилиб ҳаяжонга тушди. Экскурсоводни саволларга тутиб, билмаганларини билиб олишди. Энди улар бу давр тарихини ҳеч қачон эсидан чиқармайди.

— Репрессияни жуда тор маънода, бир неча ёзувчи ва шоирларнинг қатағон қилиниши деб тушунган эканман, — дейди мазкур коллеж ўқувчиси Никита Шапкин. — Аслида бу атайин уюштирилган, бутун халққа қарши олиб борилган зулм ва зўравонлик сиёсати экан. Бу бедодликдан жабрланган одамлар орасида юртимиздаги деярли барча миллат ва элат вакиллари, турли касб эгалари бўлган экан. У замоннинг қандай адолатсиз ва шафқатсиз бўлгани, одамлар бошига нималар солгани мана шу музейдаги ҳужжатлар асосида аниқ-равшан кўриниб турибди. Бугунги мустақиллик ва тинчлик, ўқиш ва турмушимиздаги эркинлик, оиламизнинг соғ-саломатлигидан қадрлироқ неъмат йўқ дунёда.

(Давоми 3-саҳифада).

ЁЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ

МАВСУМ ТАРАДДУДИ

Жиззах вилоятида бу йил 14 та стационар оромгоҳда 4200 нафар, таълим муассасалари қошида ташкил этиладиган 59 та кундузги оромгоҳда 5225 нафар бола дам олдирилади.

Вилоят ҳокимлиги ҳамда касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг “Мактаб ўқувчиларининг 2015 йил ёзги соғломлаштириш мавсумини ташкил этиш тўғрисида”ги қўшма қарорига мувофиқ тузилган ишчи гуруҳи тамонидан мавсум давомида оромгоҳларда фаолият олиб борадиган педагог ходимлар, тарбиячи-етакчи ва тўгарак раҳбарлари танлаб олинмоқда. Ихтисослашган оромгоҳлар ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилиб, чет тили дарсларини кенгайтириш, турли йўналишдаги услубий қўлланмаларни жойларга етказишга киришилди.

Оромгоҳларда ишлайдиган педагог ходимлар вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтида ўқитилмоқда.

Болалар оромгоҳларида умумтаълим мактабларидаги кутубхоналар ҳамда вилоят марказий ва болалар кутубхоналари фонди ҳисобидан ҳар бир болага тўрттадан кам бўлмаган миқдорда китоблар, шу жумладан, Президент асарлари, янги, замонавий бадиий адабиётлар, мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқларга бағишланган рисолалар, газета-журналлар бўлишига эришиш, шунингдек, оромгоҳлардаги “Маънавият ва маърифат хоналари”ни зарур жиҳозлар, плакат, баннер ва байроқчалар билан безаш мўлжалланмоқда.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, халқ таълими, соғлиқни сақлаш бошқармалари, “Камолот” ЁИҲ вилоят кенгаши ҳамкорлигида болаларни соғломлаштириш оромгоҳларининг бошлиқлари, ёшлар етакчилари, катта тарбиячилар, тиббиёт ходимлари билан амалий семинарлар уюштирилаётир.

“Жиззахавтойўл” ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти, туман ҳокимликлари Зомин, Жиззах, Фориш, Ғаллаорол туманларидаги стационар оромгоҳларга элтадиган йўлларни таъмирлашга киришдилар.

Мавсумда ногирон, боқувчисини йўқотган, ижтимоий ҳимояга ва соғломлаштиришга муҳтож беш юз нафар бола ҳомийлар тамонидан имтиёзли ва бепул йўлланмалар билан таъминланади.

Абдуманнон АЗИМОВ,
“Ishonch” мухбири

ЖАСОРАТ, БУРЧ, МАТОНАТ

Ватан учун қилинган меҳнат, жасорат ҳеч қачон унутилмайди. Фидойилик кўрсатган жасур ўғлонлар номи халқимизнинг тилида, дилида мангу яшайди. Жомбой туманидаги “Назар” маҳалласида яшовчи ҳарбий хизматчи Муроджон Тожиев бундан тўрт йил муқаддам ўз хизмат вазифасини бажараётиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлганди. Бурчига сўнгги нафасигача содиқ ўғлон “Жасорат” медали билан тақдирланди. Ўтган йили эса унинг оиласига давлатимиз томонидан замонавий лойиҳа асосида қурилган намунавий уйлардан бири туҳфа этилди.

ҲЕЧ КИМ МЕҲР-ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Қуролли Кучлар сафида шартнома асосида хизмат қилган тойлоқлик Акмал Мирзаахмедов ҳам марди майдон йигитларнинг сараси эди. Унинг матонати то ҳануз тилдан тилга кўчиб, ёшлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этаётир.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева Хотира ва қадрлаш куни олдидан Ватан фидойилари хонадонларида бўлиб, уларнинг мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлидаги хизматларини эътироф этиб, касаба уюшмалари томонидан ажратилган мукофотларни топширди. Икки нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказаётган Муроджон Тожиевнинг рафиқаси Раъно Тошгемирова давлатимиз ғамхўрлиги, эл-юрт меҳри, эътиборини миннатдорлик билан эътироф этди.

— “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш, “Касаба уюшмалари — фахрийларга” акцияси доирасида қатор тадбирлар ташкил этилаётир, — дейди Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Фарҳод Хидиров. — Вилоятдаги 296 нафар уруш фахрийсига, хизмат бурчини ўташда ҳалок бўлган 23 нафар ҳарбий хизматчи оилаларига ЎзКУФҚ томонидан ажратилган рағбатлантириш маблағлари етказиб берилди.

Самарқанд шаҳрида яшовчи Ибод Каримов, Каяян Артошес, Ражаб Ғофуров, Ҳамид Жўраев каби Иккинчи жаҳон уруш фахрийлари хонадонларида ҳам ана шундай учрашувлар ташкил этилиб, Федерация кенгашининг пул мукофотлари тақдим этилди. Шу куни ЎзКУФҚ раиси Ургут туманидаги “Мурувват” уйига касаба уюшмалари томонидан ажратилган компьютер жамламасини топширди.

Ўз мухбиримиз

2015-yil 30-aprel, payshanba, № 53 (3558), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ СОҲАСИДА ПРОФИЛАКТИКА МАДАНИЯТИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишларни янада такомиллаштириш мақсадида Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ўртасида "Меҳнат шароитлари ва муҳофазасини яхшилаш бўйича 2015-2016 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар дастури" ишлаб чиқилиб, имзоланди. Мазкур ҳаракат дастури ижросини таъминлаш ҳамда мониторинг қилиб бориш мақсадида Федерация Кенгаши қошида тегишли вазирлик ва идоралар мутахассисларидан иборат Идоралараро ишчи гуруҳ тузилди.

Мамлакатимизда меҳнат муҳофазаси, соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратишга оид норматив-ҳуқуқий негизнинг такомиллаштириб борилиши туфайли қатор масалаларни ижтимоий шериклик асосида ҳал этиш имкони яратилганлиги тадбир иштирокчилари томонидан алоҳида эътироф этилди. Шунингдек, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялашда давлатнинг энг яқин ижтимоий ҳамкорига айланган касаба уюшмаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги ташаббускорлигига тўхтаб ўтилди.

Мазкур йўналишлардаги ишларда Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси ва Савдо-саноат палатаси ўртасида имзоланган Бош келишувнинг муҳим омил бўлаётгани таъкидланди. Ушбу ҳужжат асосида ҳудудий ва тармоқ келишувлари ҳамда энг қуйи бўғинда амалда қўлланилаётган жамоа шартномалари орқали ходимлар меҳнати муҳофазасини кучайтириш имкони кенгайиб бораётгани қайд этилди. Қатор тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари иштирокида тузилган жамоа келишувларига киритилган меҳнат муҳофазаси ва меҳнат шароитларини яхшилашга қаратилган салмоқли тадбирлар амалий натижасини бераётир. Жумладан, ўтган йили ташкилот ва муассасаларда жамоа шартномалари орқали меҳнат муҳофазаси йўналиши бўйича 518 886 та чора-тадбирлар амалга оширилишига эришилиб, ушбу мақсадларга 108,6 млрд. сўм маблағ йўналтирилди.

Шунингдек, тармоқлар кесимида корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат шароитини яхшилаш, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олишга доир аниқ мақсадга қаратилган дастур лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда. Тармоқ ва ҳудудий келишувларга қўшимчалар киритиш бўйича ўтказилган экспертизалар самараси ўлароқ, корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига нисбатан ходимнинг ҳаёти ва соғлиғи устуворлиги тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, ходимлар саломатлигини сақлаш ва уларни бахтсиз ҳодисалардан асрашга қаратилган талаблар кучайтирилди. Мазкур тадбирларнинг амалга оширилишини иш берувчилар ва уларнинг тегишли юқори бошқарув идораларидан талаб қилиш асослари яратилди. Муҳими, Тиббий меҳнат эксперт комиссиялари ишида касаба уюшма вакилларининг иштирокини таъминланмоқда.

Давра суҳбатида ходимлар меҳнати муҳофазасини самарали таъминлашда давлат, касаба уюшмалари, иш берувчилар ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорлиги самарасини кучайтириш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишларга алоҳида эътибор қаратилди. Ходимлар меҳнати муҳофазасини кучайтиришда меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

— Бугунги давра суҳбати тегишли ташкилотлар учун ўзига хос минбар бўлди, дейиш мумкин, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Ёқуб Умаров. — Маълумки, мамлакатимизда инсон манфаатлари, қадр-қиммати ва саломатлиги ўта аҳамиятга молик масала бўлиб, бу, жумладан, меҳнат муҳофазаси қонунчилик соҳасида ҳам ўз аксини топган. Шу билан бирга, меҳнат муҳофазаси соҳасида қонунчиликни янада такомиллаштиришга эҳтиёж бор. Мавжуд қонунчиликни амалда тўлақонли қўллаш борасида ҳам назорат-таҳлил жараёнини кучайтириш талаб этилади. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ўзининг қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил юзасидан ўз дастурини қабул қилган бўлиб, унда бевосита "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунга ўзгартишлар киритиш ҳам белгиланган. Бунда эса, ўйлайманки, ушбу давра суҳбатида билдирилган таклиф ва тавсияларнинг аҳамияти беқиёс. Яқинда бўлиб ўтган "Фуқароларнинг муносиб меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқлари кафолатларини таъминлашда касаба уюшмаларининг роли: Ўзбекистон тажрибаси" мавзусидаги халқаро конференция ҳам соҳани янада ривожлантиришда муҳим ўринга эга экани шубҳасиз.

Давра суҳбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси Баҳром Ниязматов ўз фикрларини билдириб, жумладан, мавжуд норасмий бандликни бартараф этиш, шу билан бирга, меҳнат муҳофазасини таъминлаш борасида кўплаб ишлар қилиниши лозимлигига эътибор қаратди.

"Саноатгеотехназорат" давлат инспекцияси бошлиғи Бахтиёр Гуломов эса кўплаб давлат ва нодавлат ташкилотлар вакилларини бирлаштирган ушбу давра суҳбати ходимлар манфаатини таъминлашда, уларга муносиб меҳнат шароити яратиб беришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Бинобарин, ҳозир ишлаб чиқариш жадал ривожланмоқда. Замонавий техника ва технологиялар татбиқ этилмоқда. Замонга мос равишда меҳнат муҳофазасини таъминлаш эса, ўз-ўзидан тушунарлики, кун тартибидаги долзарб масалалар сирасига киради.

Шунингдек, Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари Анвар Икромов ҳозирда жадал ривожланиб бораётган хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес соҳасида меҳнат муҳофазасини таъминлашда ҳамкорликни янада ривожлантириш лозимлигига эътибор қаратди.

Давра суҳбатида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида профилактика маданиятини биргаликда юқори даражага кўтариш бўйича фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди. Бундан ташқари, ходимлар меҳнатини муҳофаза қилишни ташкил этишга доир чора-тадбирларни янада такомиллаштириш, самарадорлигини оширишга эътибор қаратилиб, бу борадаги халқаро тажрибалар билан ўртоқлашилди.





Жамоат назорати — муҳим омил

Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан Англрен шаҳрида «Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни»га бағишлаб тадбир ўтказилди.

Бирлашма кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Гўзал Тўхтаева ўз сўзида ишлаб чиқариш маданиятини юксалтириш, меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоат назоратини амалга ошириш ва бунда, албатта, касаба уюшма ташкилотларининг ижтимоий ҳамкорлар билан алоқаларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратди.

Шундан сўнг "Саноатгеоконтехназорат" Тошкент минтақавий инспекцияси бошлиғи Равшан Худойберганов, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармасининг давлат меҳнат инспектори Абубакр Салимов, вилоят ДСЭНМ меҳнат гигиенаси бўлим мудири Оқил Аҳрорхўжаев ва бошқалар бахтсиз ҳодисалар ҳамда касб касалликларининг олдини олиш борасида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Тадбир иштирокчилари Англрен шаҳридаги "Логистика маркази" акциядорлик жамияти ҳамда "Ўзбеккўмир" очиқ акциядорлик жамиятлари касаба уюшма ташкилотлари фаолияти ҳамда меҳнат муҳофазаси юзасидан ходимлар учун яратилган иш шароитлари билан яқиндан танишдилар.

Ўз мухбиримиз

Хавфсиз, қулай...

Бутунжаҳон меҳнат муҳофазаси куни муносабати билан "Сирдарёпахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмаси ва Сирдарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамкорлигида "Пахта тозалаш корхоналари ишчи-ходимларига хавфсиз, қулай ва соғлом меҳнат шароитлари яратилишида ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш" мавзуида семинар бўлиб ўтди.

Унда тизимдаги 6 та пахта тозалаш корхоналарининг бош муҳандислари, ходимлар бўлими бошлиқлари, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар, касаба уюшма қўмиталари раислари, ишлаб чиқариш бўлими ходимлари иштирок этдилар.

— Меҳнат муҳофазасига оид семинарлар, илғорлар тажрибасини ўрганиш ўз натижасини бераётир, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Б.Исматов.

Семинар қатнашчилари Бахт пахта тозалаш корхонасидаги соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари, техника хавфсизлиги борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишдилар. Тадбир асносида қоида ва меъёрларга амал қилишнинг аҳволи хусусида "Сирдарёпахтасаноат" ХАБ раисининг биринчи ўринбосари М.Эргашев атрофлича тушунча берди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
"Ishonch" мухбири

Ноишлаб чиқариш тармоқлари бўйича: "Энг яхши корхона" номинацияси бўйича 1-ўрин "Асака" давлат акциядорлик тижорат банкининг Қашқадарё филиали, 2- ва 3-ўринлар "Ўзбекистон-Индонезия" қўшма корхонаси Жиззах филиали ҳамда Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказига насиб этди. "Энг яхши касаба уюшма қўмитаси" номинацияси бўйича ўринларга мос равишда Наманган вилояти Учқўрғон педогогика коллежи, Сирдарё вилояти перинатал маркази ва Фарғона вилояти молия бошқармаси касаба уюшма қўмиталари лойиқ топилди. "Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил" номинацияси бўйича эса биринчи ўринга "Инкассация хизмати" ДУК Хоразм вилоят бошқармаси меҳнат муҳофазаси бўйича вакили Сарвар Абдуллаев, иккинчи ва учинчи ўринларга Андижон вилояти Пахтаобод туман тиббиёт бирлашмаси меҳнат муҳофазаси бўйича вакили Тўлқинжон Ашуров ҳамда Тошкент вилояти Зангиота тумани 4-мактабгача таълим муассасаси меҳнат муҳофазаси бўйича вакили Меҳринисо Тожибоева мунносиб кўрилди.

Ғолиб ва совриндорлар Федерация Кенгашининг I, II ва III даражали диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Таъкидланганидек, мазкур кўрик-танлов жамоатчилик назорати бўйича олиб борилаётган ишларнинг сифати ва самарадорлигини ошириш, меҳнатда шикастланиш ва касб касалликларининг олдини олишда муҳим омиллардан бири бўлмоқда.

Тадбир куннинг иккинчи ярмида мамлакатимизда ходимлар меҳнатини муҳофаза қилишни ташкил этишга доир амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада такомиллаштириш, уларнинг манзилли ва самарадорлигини оширишга бағишланган: "Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги" ҳамда "Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбобускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш" мавзуларидаги секцияларда давом этди.

Давра суҳбати якуни бўйича ходимларга хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитлари яратилишида ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид резолюция қабул қилинди.

Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кунига бағишланган шундай давра суҳбатлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмалари, бошланғич касаба уюшма ташкилотларида ҳам бўлиб ўтмоқда.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати раҳбари.

Акмал ТОШЕВ,
"Ishonch" мухбири.

Икром ХАСАНОВ олган суратлар

СЎЗ — ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИГА

Сарвар АБДУЛЛАЕВ,
ноишлаб чиқариш корхоналари ўртасида "Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил" номинацияси ғолиби:

— "Инкассация хизмати" давлат унитар корхонаси Хоразм вилоят бошқармасида 185 нафар ходим меҳнат қилади. 2011 йилдан буён меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил сифатида фаолият юритаман. Мен билган ҳақиқат шу бўлдики, мунтазам равишда соҳага оид билимларни мустаҳкамлабгина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Корхонада тузилган махсус комиссия ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш ва ёнғин хавфсизлиги, шунингдек, бахтсиз ҳодисалар содир бўлганда биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича билимларини синовдан ўтказишга катта эътибор бераётир.

Бевосита меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига тўхталадиган бўлсам, бошқарма ва бўлимлардаги, шунингдек, автомашиналардаги дори-дармонлар қутисининг белгиланган талабларга жавоб беришини таъминлаш мақсадида ҳар йили муддати ўтган дори-дармонлар ҳисобдан чиқарилиб, ўрни тўлдириб борилмоқда. Ўт ўчиргичларнинг босим ўлчагичлари текширилиб, яроқсиз ҳолга келганлари янгиланди. Электр асбоб-ускуналарни хавфсиз ишлашини таъминлаш, ёнғин чиқишини олдини олиш мақсадида Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси билан ҳамкорликда тадбирлар амалга оширилмоқда.

Муродил АРЗИЕВ,
ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида "Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил" номинацияси ғолиби:

— "Ўз Донг Вон Ко" ёпиқ акциядорлик жамияти қўшма корхонаси 1997 йилда ташкил топган бўлиб, асосан "GM Uzbekistan" автомобилларига овоз сўндиргичлар ишлаб чиқаради. Сифат назорати ва кафолати бўлимида муҳандислигим учун ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашаман.

Ишчиларимиз тўлиқ шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланган. Ходимлар сони корхона ташкил топганда 65 кишидан иборат эди, ҳозир 500 нафардан зиёд. Табиийки, меҳнат муҳофазаси тадбирларига бўлган талаб ҳам тегишли равишда ўсганлиги боис, турли ўқув ва семинарларда билим ҳамда кўникмаларимизни ошириб бормоқдамиз.

Эшмамат РЎЗИЕВ,
"Асака" давлат акциядорлик тижорат банкининг Қашқадарё филиали меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси бўйича етакчи мутахассиси:

— Бугунги давра суҳбатининг аҳамиятини бир сўз билан ифодалаш қийин. Биринчидан, етакчи корхона ва ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўлга қўйилган иш тажрибалари билан яқиндан танишиш имкони туғилди, зарур тавсиялар олдик.

Шунингдек, давра суҳбати доирасида бир-биридан фойдали секция машғулотлари уюштирилди. Етакчи мутахассисларининг маърузаларини тингладик. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан ноишлаб чиқариш корхоналари ўртасида "Энг яхши корхона" номинациясида ғолиб деб топилганимиз ҳам хурсанд қилди, ҳам масъулият ҳисси янада ортганлигидан бизни огоҳлантиргандек бўлди. Бу рағбат ва эътироф келгусидаги ишларимизга ҳам қўшқанот бўлади, деб ўйлайман.

Саид ЯРБЕКОВ,
"Сирдарё иссиқлик электр станцияси" касаба уюшма қўмитаси раиси:

— Сирдарё иссиқлик электр станциясида 2600 нафар ходим ишлайди. Уларнинг меҳнат ҳуқуқи касаба уюшма қўмитаси томонидан муносиб ҳимоялаб келинмоқда. Жумладан, 2014-2016 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасида ходимлар учун кенг имтиёзлар белгиланган. Унга кўра ҳар бир ходим ижтимоий муҳофазаси учун йилига 3 млн. сўмдан кўпроқ маблағ ажратилиши назарда тутилган. Бу ходимларнинг сиҳатгоҳ ва профилакторийларда соғлигини тиклаши, спорт мусобақалари ўтказиш, ходимлар фарзандларини оромгоҳларда дам олдириш, моддий ёрдам кўрсатиш, илғор ходимларни рағбатлантириш, саёҳатлар уюштириш каби ишларда ўз ифодасини топмоқда. Шартнома бандларини амалиётга татбиқ этиш устидан икки томонлама комиссия ишлаб келаяпти.

Ишлаб чиқариш йўналишида "Энг яхши касаба уюшма қўмитаси" номинацияси совриндори деб топилганимиз кучимизга куч қўшгандек бўлди. Қолаверса, ушбу тадбирда иштирок этиб, келгусида қўл келадиган қатор маълумотларга эга бўлганимдан бағоят хурсандман. Жумладан, касб касалликлари олдини олиш бўйича станцияда қилиниши керак бўлган вазифаларни ўзим учун белгилаб қўйдим. Аминманки, иш берувчи таклифларимизни амалиётга тадбиқ қилишда елкадош бўлади.

Жамолиддин АТАМАТОВ,
"GM Powertrain-Uzbekistan" ЁАЖ қўшма корхонасининг кадрлар бўйича менежери:

— 782 нафар ходим меҳнат қилаётган "GM Powertrain-Uzbekistan" ЁАЖ қўшма корхонаси ишга тушганига беш йил бўлди. Бу ерда Асакадаги "GM-Uzbekistan" корхонасида тайёрланаётган автомобиллар учун саккиз турдаги двигателлар ишлаб чиқарилмоқда.

Ходимларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш мақсадида алоҳида ҳаракат дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра ҳар бир цехда меҳнат хавфсизлиги бўйича бурчаклар ташкил қилинган. Корхона ҳудудида ҳаракатланиш учун алоҳида хавфсиз йўлаклар мавжуд. Бу ерга ишга кираётган ҳар бир шахс хавфсизлик техникаси талаблари билан таништирилади. Ходимлар тўлиқ махсус кийим-бош, пойабзал билан таъминланган. Улар учун доимий равишда меҳнат муҳофазаси бўйича дарслар ташкиллаштирилади. Ҳар ҳафта икки марта раҳбарият билан касаба уюшма қўмитаси аъзолари, меҳнат муҳофазаси бўйича менежер иштирокида йиғилиш ўтказилиб, мавжуд камчиликлар таҳлил қилинади, уларни ҳал этиш бўйича аниқ режалар ишлаб чиқилади.

Меҳнатларимиз муносиб баҳоланиб, ишлаб чиқариш йўналишида "Энг яхши корхона" номинацияси ғолиби бўлганимиз янада фаол ишлашга даъват этади.

"Ishonch" мухбирлари
Акмал АБДИЕВ ва Улуғбек ИБОДИНОВ
ёзиб олди.

2015-yil 30-aprel, payshanba, № 53 (3558), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ҲИСОБОТ-САЙЛОВЛАР

ТЎЛАҚОНЛИ ВА ИЗЧИЛ

ижро самараси

“Андижонкабел” Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси касаба уюшма қўмитасининг 2012-2015 йилларда олиб борган фаолияти ҳамда жамоа шартномасининг ўтган йилда бажарилишига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда бошланғич ташкилот раиси Азизилло Нуриллаев ҳисобот берди.

Акциядорлик жамияти вилоятнинг чекка ҳудуди — Хонобод шаҳрида жойлашган йирик ишлаб чиқариш масканларидан бири. Айни пайтда 1556 нафар ишчи-ходим меҳнат қилаётган корхона аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш фаровонлигини ошириш, ҳудуднинг саноат салоҳиятини юксалтиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Қайд этилганидек, бугунга келиб корхона жамоа шартномаси авалгиларидан тубдан фарқ қилади. Хусусан, ёшлар ва аёллар учун имтиёзлар кўзда тутилган алоҳида бўлимлар, Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенцияларига амал қилинишини таъминлашга қаратилган бандларнинг киритилиши унинг мазмун-моҳиятини янада ошириб юборди.

Касаба уюшмаси ва корхона ўртасида тузилган “Меҳнат муҳофазаси бўйича битим” ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан ўзаро келишувлар асосида ходимларнинг иш шароитини яхшилаш, ишлаб чиқариш ва маиший бинолarни меҳнат муҳофазаси бўйича меъёр талабларига мос келтириш, махсус кийим-бош, пойабзал, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ўз натижасини бермоқда. Биргина ўтган йили жамоа шартномасида кўзда тутилган меҳнат муҳофазаси учун 700 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Иш ўринлари беш йилда бир марта аттестациядан ўтказилмоқда. Ноқулай, зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш муҳитида ишлаётган ходимларга қисқартирилган иш вақти, қўшимча меҳнат таътили, имтиёзли пенсияга чиқиш, сут таъминоти жорий этилган.

Жамоа шартномасида кўзда тутилган қўшимча имтиёзлар эвазига ҳисобот даврида 241 нафар эҳтиёжманд ходимга моддий ёрдам кўрсатилди. Уй-жой қурилиши учун 7 нафар ишчига ссудалар берилди. Жамоа аъзоларининг олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 12 нафар фарзанди учун контракт пуллари тўланди. Йил давомида 192 нафар ишчи-ходим ва уларнинг яқин қариндошларига “Чимён”, “Чорток”, “Бўстон”, “Ўзбекистон”, “Зилол”, “Нурафшон”, “Ором шифо”, “Қамбар шифо”, “Гулшан” санаторийларига имтиёзли йўлланмалар ажратилди.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йил қўшма корхона ўғил-қизлар учун муносиб туҳфа ҳозирлади. “Болалар оромгоҳларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича 2014 йилга мўлжалланган манзилли дастур”га асосан, Асака туманидаги “Машъал” болалар оромгоҳида мукаммал таъмирлаш ишлари бажарилди ҳамда моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Натижада жамоа аъзоларининг 371 нафар ўғил-қиз ушбу сўлим масканда, мароқли ҳордиқ чиқарди.

Корхона билан Хонобод ахборот технологиялари ва саноат касб-ҳунар коллежи ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, коллежда таҳсил олаётган ёшларнинг ўқув амалиёти даврида ўз мутахассисликларини пухта ўрганиши учун барча шароит яратилган. Уч томонлама шартномалар асосида ҳар йили ўнлаб ёшларнинг бандлиги таъминланмоқда. Бундан ташқари, ўн йилдирки, корхона ҳомийлигида иқтидорли ўқувчилар ўртасида “Билимлар беллашуви” бўлиб ўтади. Математика, физика, чизмачилик, она тили ва адабиёт, инглиз тили фанлари бўйича ёшлар билимини синовдан ўтказаётган танлов вилоятда ҳам ўзига хос нуфузга эга. Айни кунга қадар унда 1300 дан зиёд йигит-қиз қатнашди. Беш йилдан буён танловда юқори натижага эришган ўқувчилар ҳамда “Ёш кабелчи” тўгараги тингловчилари учун корхона ҳисобидан Қўқон, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч, Хива шаҳарларига саёҳат уюштирилди. Бу эса ёш авлодни Ватанга муҳаббат, тарихий-маданий меросимизга чуқур ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг танланган соҳа бўйича малакали мутахассис сифатида камол топишига хизмат қилянти.

Корхона касаба уюшма қўмитасининг ҳисобот-сайлов конференциясида бошланғич ташкилотнинг сўнгги уч йил давомида ўз олдига қўйган вазифаларига тўлақонли ва ижодий муносабатда бўлишга ҳаракат қилганлиги эътироф этилди.

Конференцияда “Андижонкабел” қўшма корхонаси бош директори Алишер Абдуллаев, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг ўринбосари Қодиржон Ризаев, Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари бўйича масъул ташкилотчиси Шерзодбек Бўтаев кун тартибидаги масалалар ҳамда галдаги устувор вазифалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Нурилло НЎЪМОНОВ,
“Ishonch” мухбири

ҚИЗҒИН МУҲОКАМА АСОСИДА

келгуси вазифалар белгиланди

“Тошкентгазтаъминот” унитар корхонасида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференциясида бошланғич ташкилотнинг 2010-2015 йиллардаги фаолияти муҳокама этилди.

— Айни вақтда 5926 нафар ишчи-хизматчи фаолият юритмоқда, — деди касаба уюшма қўмитаси раиси Нигора Исмоилова. — Шундан 1333 нафарини аёллар, 2200 нафарини ёшлар ташкил этади. Корхона тизимида 22 та цех касаба уюшма ташкилоти мавжуд бўлиб, уларнинг барчасида ҳисобот-сайлов йиғилишлари юқори савияда ўтказилди. Барча ишлар “Унумли меҳнат ва баракали маош — ижтимоий ҳимоянинг энг яхши воситаси” шиори остида маъмурият ҳамда касаба уюшма ташкилоти билан баҳамжиҳатликда ташкил этилганлиги боис ишлаб чиқаришда ҳам, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш борасида ҳам яхши натижаларга эришилди. Ўртача иш ҳақи 2010 йилда 499.800 сўмни ташкил этган бўлса, айни вақтда 1.218.500 сўмга етди.

Ҳисобот даврида 1500 нафардан зиёд ходим ва уларнинг оила аъзолари мамлакатимизнинг тарихий ва қадимий шаҳарларига саёҳатда бўлганлиги таъкидлаб ўтилди. 187 киши санаторийларда, 50 киши дам олиш уйларида саломатлигини тиклади. Хўжалик ҳисобидан 803 та йўлланма меҳнаткашларга имтиёзли равишда тарқатилди.

“Маънавият ва маърифат” хонаси қайта таъмирланиб, ЎзКУФҚ ҳамда Республика маънавият тарғиботи марказининг тавсиялари асосида жиҳозланди. “Маънавият соатлари” ўтказилишига ҳам катта эътибор қаратилди.

Ҳисобот даврида 4315 нафар бола соғломлаштирилди. Корхонага қарашли “Зангори олов” оромгоҳида 2 та ётоқхона, “Маънавият ва маърифат” хонаси янгидан қурилди.

Мажлисда корхона маъмурияти ҳамда касаба уюшма қўмитаси ўртасида имзоланган жамоа шартномасининг бажарилиши юзасидан ҳар икки томоннинг ахборотлари тингланиб, муҳокама қилинди.

Конференция якунида тегишли қарор қабул қилиниб, келгусида бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди. “Тошкентгазтаъминот” унитар корхонаси касаба уюшма қўмитаси раислигига бир овоздан Нигора Исмоилова қайта сайланди.

Неъмат РАФИҚОВ.
“Ishonch” мухбири

(Давоми.
Бошланиши 1-саҳифада)

Дарҳақиқат, қатағон дегани жуда кенг тушунча. Бу сиёсат мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгунича — юз йилдан кўпроқ вақт мобайнида гоҳ ошкора, гоҳ яширин давом этган. Бу даврда отиб ўлдирилган, қамалган, сургун қилинган миллионлаб одамлар, бева-бечоралар, етим-есирларнинг барчаси қатағон қурбонларидир.

XX аср бошларида миллий истиқлол, миллий уйғониш ғояларининг аёвсиз бостирилиши оқибатида кўп йўқотишлар берган халқимиз кейинчалик “коллективлаштириш” ва “қулоқлаштириш” азобини чекди.

Ҳайрон қоларлиси, Иккинчи жаҳон урушига 1,5 миллиондан зиёд (ўша пайтдаги аҳолининг қарийб учдан бир қисми) фарзандини жўнатиб, фронт ортида машаққатли меҳнат қилиб, Ғалабага катта ҳисса қўшган халқимиз уруш тугагач, ҳали унинг жароҳатлари битиб улгурмай яна қатағонларга дучор бўлади. 1937-1953 йилларда Ўзбекистон бўйича қарийб 100 минг киши қатағонга учраб, 13 минг нафари отиб ташланганининг ўзи собиқ тузум даврида халқимиз қанчалик хўрлангани, топталганини кўрсатади.

